



TARAKKIYET TADQIQOTLARI | ИССЛЕДОВАНИЯ РАЗВИТИЯ DEVELOPMENT STUDIES

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНЛАР | НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ КОНФЕРЕНЦИИ
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCES

Volume II, Issue-19, (July) 2024

Journal homepage: <https://inashr.uz/index.php/rid>

АЗИМОВ Ашир Али Мехмонбойевич
*Анджсон давлат тиббиёт институти
тадқиқотчиси*

ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ЯНГИЛАНИШИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада хотин-қизларнинг гендер тенглиги парадигмасида оила ва никоҳнинг ҳолати, ахборотлашган жамиятда хотин-қизларнинг антропологик идентификациясини топиш, улар ҳуқуқий маданиятининг юксалтиришнинг инновацион йўналишларини ишлаб чиқиш юзасидан айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. Ўзбекистоннинг ижтимоий-маданий миллий тараққиёти муқаддас анъана ва қадриятларда ўз ифодасини топганки, ундан воз кечиш миллатни таназзулига олиб келади. Унинг илк натижалари бой миллий-диний маданият билан миллий тараққиётни таъминлаш мумкинлигини тасдиқламоқда. Шу маънода ҳорижий маданият миллий тараққиётга интолерантлик ҳолатига кирди.

Калит сўзлар: оила, аёл, оналик, никоҳ, оила институти, замонавий оила, гендер, респондент, оилавий низолар, гендер тенглиги, демографик ривожланиш, ҳуқуқий маданияти, статистика.

Кишилиқ жамияти тарихий тараққиёти инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, манфаатларини тўлақонли таъминлаш асосида ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шарт-шароитини яратиш билан характерланади. Шу маънода хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақоми ва уларнинг фаровон турмуши инсон ҳуқуқи билан боғлиқ инсонпарварлик сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада такомиллаштириш, гендер тенглигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг тадбиркорка жалб этишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, “кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди” [1, Б.406].

Мамлакатимизда оила институти, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ўзаро келишмовчилик ва низоларни бартараф этиш, оилавий ажримлар сонини камайтириш буйича давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг камровли ишлар бажарилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий давлатнинг конституцион асослари Тараққиёт стратегиясининг конструктив ва деструктуралари ҳолати аёлларнинг жамият ҳаётида ўрни назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Юртимизда аёллар салмоғи қонуний манфаатларининг муҳофазаси, таълим ва тарбия, бандлик, оилавий тадбиркорлик, маиший турмуш, репродуктив саломатлик каби соҳаларни қамраб олади.

Гендер маърифатининг зарурати 1 400 хотин-қизларнинг давлат марказий бошқаруви, 43 мингдан зиёди маҳаллий ҳокимият, талабаларнинг 48 фоизини ташкили билан асосланган [2]. Ўзбекистон ҳукуматининг ижтимоий сиёсати хотин-қизларнинг турмуш муаммоларини манзилли ечими учун 433 минг “аёллар дафтари”да 80 минг муаммо ўз вақтида ижобий ҳал этилиши сиёсий янгилик, деб ҳисобланган.

Ўзбекистон ҳукумати Т.К. Норбоева етакчилигида “Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши” тузиб, 2021 йилда 17 миллион аёлларнинг касаначилик, фермер хўжалиklarини ташкили 70 минг аёлнинг оилавий бизнесига 2 триллион сўм кредит ажратилиши билан асосланган. Ишда аёлларнинг мавқеини “кўтар-кўтар” қилиш нафақат эркаклар, балки аёлларнинг манфаатларига жиддий зарар етказиши ёритилган.

Аёлларнинг жамият тараққиётидаги фаол ўрни тарбия билан боғлиқ оилавий фаолиятини шакллантириш тикланиш зарурияти муҳим аҳамиятга эга.

Хотин-қизларнинг жамиятимиз тараққиётига қўшадиغان улуши таълим ва маърифат билан қонунлардан аёлларни хабардор қилишни мураккаблаштиради. Шу боис, муаллиф қонунийликни таъминлашда аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигида таълим билан бирга, камқонлик, юрак, қон-томир, ошқозон ичак трактати, овқат хазм қилиш тизими, нафас олиш йўллари хасталиклари ортиб бормоқда. Шу маънода аёлларнинг соғломлаштириш дастури репродуктив саломатлик, қизларни турмушга тайёрлашда соғломлик, турли патологик касалликларни назоратга олиш, тиббий хизматни манзилли бириктириш, алоҳида ҳолларда шифокорлик мониторинги муҳимлиги 12 миллиондан ортиқ аёлларда кўзда тутилади. Тиббий профилактика 323 қизларни инфекция касалликларини даволаш ишини йўлга қўйди. Муаммони ечими аёлларнинг “Соғлом аёл” концепцияси доирасида 50 миллиардгача маблағ ажратилиб реабилитация ва соғломлаштириш марказлари иш бошлади.

Аёлларнинг гендер муаммоларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асос бўлиб, унинг яна юридик такрори (дублирование) аёлларнинг ижтимоий барқарорлик, давлат сиёсатида аёллар ва ёшларга оид сиёсатнинг амалий конкрет натижалари билан изоҳланади. Айни вақтда “аёл феномени” ижтимоий воқеликда фетишлашиб бориши фуқаролик муносабатларини жиддий оғирлаштиради. Халқаро нуфузли ташкилотлар аёлларнинг эркаклар билан тенглигига доир босими миллий-диний анъана ва қадриятлардан келиб чиқиши даркор. Словениялик олим Р. Кухар, Белгиялик файласуф Д. Патерноттнинг “Европада антигендер компанияси: тенгликка қарши сафарбарлик” китобининг чоп этилиши муаммога соғлом ёндашуви билан фикрни далиллади [3, Б.619].

Дарҳақиқат, Европанинг бир қатор давлатларида антигендер ҳаракати авж олиб, аёлларнинг феминистик ҳаракатининг оқибатларни бартараф этишга доир тадқиқотлар амалга оширилиб, гендер ва жинс тенглиги муносабатларида камчиликлар ошкор этилган. Рус олимаси А. Темкинанинг гендер мафқурасининг транснационалиги, янги сўллик ва марксизм, халқларнинг миллий этник суверенитетига қарши Европа жамиятидаги коррупциянинг натижаси, деган фикрига тадқиқолтчи қўшилган [4, Б.675].

Республиканинг гендер тенглигини тартибга солишда 70 дан ортиқ халқаро конвенция ва шартномалар билан бирга Асосий Қомусимизнинг ислохотларида аёлларнинг тенглиги нуфузли рейтинг тасдиқланиб, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси оила ва никоҳ, оналик ва болаликни ижтимоий кафолатлари, аёлларнинг ижтимоий бандлиги ва сиёсий фаоллигини ҳуқуқий базасини яратилди.

Муаллиф оилавий зўравонликка учраш бўйича аёлларнинг 33,5 % у ёки бу шаклда учраши, лекин оилавий зўрвонлик кенг тарқалмаган, деб ҳисоблайди. Бу масала яна шаҳар аёлларида 9,6 %дан ошмай, гендер ижтимоий тараққиётга салбий таъсири ҳам намоён бўлмоқда.

Бу ҳол Марказий Осиёнинг ислом динига эътиқод қилувчи халқларида миллийлик ва динийликнинг уйғунлигидан минтақа халқларини ижтимоий маънавий ночорлик (банкрот) ҳолатига солиши билан хавфлидир.

Чунки, аёлнинг оила, никоҳ, фарзандга бўлган боғлиқлиги “озодлиги”, аёлнинг биологик, социологик ва психологик ижтимоийлашувида ўзгаришга олиб келиши никоҳ ва фарзанд қадриятига “она”нинг девиантлаштиради. Унинг биринчи белги ва хусусиятлари кўйди-чиқдиларнинг ўсиши, одам савдосида чақалоқлар “бренди”нинг нормага айланишида намоён бўлади.

Муаллиф гендер тенглигини икки тамойили ёки даврини ижтимоий маданият шакли ҳисоблаган: 1991 йилдан 2005 йиллар аёлларнинг ижтимоийлашуви биринчи босқич бўлса, кейингиси интенсив сиёсийлашувидир. Гендер тенгликда эркак ва аёлларнинг трансгендери, клонлаштириш, бир жинсли сексуаллик илмий жамоатчилик томонидан иккинчи босқич кўрсаткичи эканлиги асосланган. Натижа 2021 йил Тошкент шаҳрида 1378 нафар аёлга нисбатан 1184 та жиноят, улар орасида қотиллик ва танга оғир жароҳатлар етказиш ҳолатлари билан далилланган.

Гендер тенглиги хотин-қизларнинг юксак ҳуқуқий маданияти ва маърифати асосида бўлиши оила ва никоҳ, фарзанд тарбияси, уларнинг жамиятнинг барча соҳаларида ўзларини намойиш этиш учун шарт-шароитларни яратишни ҳам назарда тутди. Шу боис Ўзбекистон ҳукуматининг хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ютуқлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Одам зоти анатомик-физиологик жиҳат ва белгилар асосида эркак ва аёлга бўлинади. Бу бўлиниш жинс бўйича тарихан инсонни ижтимоий-маданий, айниқса психологик жиҳатдан муаммо ва низоларга сабаб бўлган. Хотин-қизларнинг юртимизда либерал феминизм даражасига юксалиши вазиятни мураккаблаштиради. Чунки, либерализм гендер даражасига чиқиши радикал феминизмга олиб келади. Олимлар одамнинг биологик фарқланиши одамни ижтимоий ролини фарқланиши билан изоҳланмаслигини тан олганлар. Аёлларнинг ўз ижтимоий мавқеидан келиб чиққан ҳолда бажариши билан ижтимоий тараққиётнинг барқарор ривожини таъминланади.

Ўзбекистон ҳукумати ўз мустақиллигининг биринчи кунидан бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эрки, манфаатларини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирокини таъминлаш учун жамоат ташкилоти ва уюшмаларининг фаолиятини қўллаб қувватламоқда. Ўзбекистонда хотин-қизларга оид давлат сиёсати давлат ижтимоий сиёсатининг устувор масаласи сифатида оналик ва болалик, аёлларнинг репродуктив соғломлиги, қулай бандлик шарт-шароитини таъминлашга йўналтирилган.

Ўзбекистонда аёллар масаласи билан боғлиқ ижтимоий мақом ва роли масаласи умумжаҳон халқаро меъёр ва нормаларга мос келиши халқаро нуфузли комиссиялар томонидан ҳам тан олинган. Аёлларнинг ҳуқуқий маданияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларида оилавий муносабатлар билан боғлиқ муносабатларда эркаклар билан тенглиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг умумийлик, оила эса давлат паноҳида эканлиги ҳам аёлнинг ҳуқуқий мақомини ўрнатган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.406. (456)
2. Хотин-қизларга қўмаклашиш // <https://kun.uz/news/2021/02/26/xotin-qizlarga-har-tomonlama-komaklashish-boyicha-vazifalar-belgilandi> (Сана: 28.08.21)
3. Paternotte D., Kuhar R. Disentangling and Locating the “Global Right”: Anti-Gender Campaignsin Europ // Politics and Governance. – 2018. Volume 6. – № 3. – P. 6 – 19.
4. Темкина А. Борьба против гендерного равенства: транснациональная мобилизация // Журнал исследований социальной политики. – 2019. – № 17(4). – С. 675